



Давлатимиз раҳ-
бари «Бола ҳуқуқла-
рини ҳимоя қилиш
тизимини такомил-
лаштириш бўйича
қўшимча чора-тад-
бирлар тўғрисида»ги
қарорга имзо чекди.



Олий Мажлис Се-
нати Бюджет ва иқти-
содий ислохотлар
масалалари қўми-
тасининг видеокон-
ференцалоқа тарзида
мажлиси бўлиб ўтди.
Унда Навоий ва Хо-
разм вилоятларида
бюджет даромадла-
рига белгиланган
прогноз курсаткича-
ларининг жорий йил I
чорадаги ижроси ва II
чорада кутилаётган
натижалар муҳокама
қилинди.



Халқаро стан-
дартлаштириш таш-
килотлари томони-
дан берилган маълум-
отга кўра, COVID-19
хавфи инфекция-
сига қарши кураш да-
вомида **Ўзбекистон**
АҚШдан кейинги
ўринда эканлиги эъ-
тироф этилди.

Фурқат Сиддиқов
Ўзбекистон Республи-
каси ташқи ишлар ва-
зирининг ўринбосари
лавозимига тайин-
ланди.

Отабек Давлетов
Қорақалпоғистон Res-
публикаси Жўқорги
Кенгеси Раисининг
ўринбосари этиб сай-
ланди.

**Бош прокурату-
рада** Президентимиз-
нинг «Тезкор қиди-
рув, тергов ва жазони
ижро этиш фаолият-
ида қийноқнинг ол-
дини олиш тизимини
тубдан такомиллашти-
риш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги қарори
лойиҳаси бўйича бри-
финг бўлиб ўтди.



**Самарқанд ту-
манидаги** Конигил
маҳалласи ҳудудда
намунавий типдаги
«**Туризм қишлоғи**»
ташкил этиш ишлари
бошланди.

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2020 йил 30 май • шанба • № 54-55 (4339)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ХАЛҚИМИЗ САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 май кўни аҳоли учун яратилаётган шароитлар, фуқаролар ҳаётини яхшилаш, фаровонлигини ошириш йўлида қилинаётган ишлар билан танишиш мақсадида пойтахтимизнинг Сергели тумани ва Тошкент вилоятининг Зангиота туманида бўлди.



Президентимиз дастлаб Зангиота туманида барпо этилаётган кўп тармоқли махсус шифохона қурилиши билан танишди.
Коронавирус пандемияси бутун дунёга тарқалиб, инсонлар ҳаётига катта хавф туғдирмоқда. Мамлакатимизда ўз вақтида

қўрилган чора-тадбирлар, халқимизнинг чуқур тушуниши ва сабр-тоқати билан бу офат жилавланиб, оммавий ёйилиб кетишининг олди олинапти. Қисқа фурсатларда даволаш-профилактика муассасалари ва карантин зоналари қурилгани бунда муҳим омил бўлди.

Зангиота туманидаги махсус шифохона лойиҳасининг умумий қиймати 504 миллиард сўм бўлиб, 33 гектарда 2 та комплекс қурилмоқда. Бунда юқумли касалликлар хусусияти ва замонавий тиббиёт талаблари инобатга олинган.

2▶



МДХ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

2020 йил 29 май кўни Ўзбекистон Республикаси раислиги доирасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган мажлисга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов раислик қилди.

Тадбирда Беларус Республикаси Бош вазири Сергей Румас, Молдова Республикаси Бош вазири Ион Кику, Озарбайжон Республикаси Бош вазири Али Асадов, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Михаил Мишустин, Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Мамин, Арманистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Мгер Григорян, Қирғизистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Эркин Асрандиев, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов ва МДХ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедев иштирок этди.

Мажлис қатнашчилари асосий эътиборни МДХ доирасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг долзарб масалаларига, шунингдек, коронавирус пандемияси шароитида қўрилаётган биргалликдаги чора-тадбирларга қаратди.

Муҳокамалар натижасида янги коронавирус инфекцияси «COVID-19» тарқалиши муносабати билан МДХга аъзо мамлакатлар Ҳукумат раҳбарларининг Баёноти қабул қилинди. Кенгаш қарорига кўра, мазкур ҳужжат матни БМТ, ЖССТ ва бошқа йирик халқаро ташкилотларга ҳам тарқатилди.

Барқарор иқтисодий ривожланиш учун қулай шарт-шароит яратиш, МДХга аъзо мамлакатлар фуқаролари турмуш тарзи ва фаровонлигини ошириш мақсадида томонлар 2030 йилгача бўлган даврда Ҳамдўстлики иқтисодий ривожлантириш стратегиясини тасдиқладилар. МДХ мамлакатлари савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг базавий тамойиллари ва асосий йўналишларини белгилаб берадиган ушбу ҳужжат Ҳамдўстликка аъзо давлатлар иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, ўзаро манфаатли шерикликка кўмаклашишга қаратилган.

Мулоқотлар давомида карантин чекловлари шароитида савдо-иқтисодий ва транспорт-коммуникация соҳаларида йўлга қўйилган мавжуд механизмларни, шунингдек, МДХ ҳудудидаги эркин савдо зонасининг тўлақонли ишлашини сақлаб қолиш муҳимлиги қайд этилди.

МДХ мамлакатлари аҳолиси ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш мақсадида яхши кўшничлик, ўзаро ҳурмат ва манфаатларни ҳисобга олган ҳолда ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

МДХ Ҳукумат раҳбарлари кенгаши мажлиси яқунлари бўйича транспорт, энергетика, қурилиш, таълим, маданият, туризм, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини, шунингдек, ёшлар сисатини ривожлантиришга оид жами 14 та ҳужжат имзоланди.

Томонлар МДХ Ижроия қўмитасининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгаши навбатдаги мажлисини жорий йил ноябрь ойида Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватладилар.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ,
ЎЗА МҲБИРИ

АЙТСАМ ТИЛИМ КУЯДИ, АЙТМАСАМ...

Халқ таълими вазирига ОЧИҚ ХАТ

3▶



Қоидалар «ЯШИЛ ҲУДУД»га хос эмас(ми?)

Бугун жинзхаликлар учун коро-
навирус гўё тегишли эмасдек
ҳамма эмин-эркин юрибди.
Ахир, «яшил ҳудуд» дегани, ка-
рантин қоидаларига амал қил-
маслик, дегани эмас-ку?!

3▶



Кейинги сонларда ўқинг...

Мажлиятга
«Зулфия»чи
қизлар
кераклими?

«Call-center»: АЁЛЛАР ИШОНЧИ ОҚЛАНЯПТИ

2▶





САВОЛ: Ҳозирги вазиятда COVID-19ни бартараф қилиш учун тиббиёт ходимларига сафарбарлик эълон қилиниб, ходим бу ишга мажбурий жалб этилиши мумкинми?

ЖАВОБ: Ҳа мумкин. Меҳнат кодексининг 176-моддасида ходимнинг бурчлари белгилаган бўлиб, унга кўра, ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулк

кини авайлаб-асраши шарт. Ходимнинг меҳнат вазифалари ички тартиб қоидаларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда, корхонада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда (жамоа шартномаларида, йўриқномалар ва ҳ.к.ларда), меҳнат шартномасида аниқ белгилаб кўйилади.

Меҳнат кодексининг 228-моддасида белгиланган тартиб бундан мустасно, яъни ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти

ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга, ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш она ва боланинг соғлиғи учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.



САВОЛ: Ходимнинг меҳнат шартномасида иш вақти режими ўтказиш қандай расмийлаштирилади?

ЖАВОБ: Ходимнинг бир иш вақти режимида босқисига ўтказиши меҳнат шартларининг ўзгариши ҳисобланади. Меҳнат кодексининг 88-моддасига кўра, меҳнат шартларини ўзгартириш, улар қайси тартибда белгиланган бўлса, шундай тартибда амалга оширилади.

Иш вақти режими ички меҳнат тартиби қоидалари ёки бевосита меҳнат шартномаси билан белгиланиши мумкин. Демак, иш вақти режими ўзгартириш зарурати туғилса, биринчи ҳолат ички меҳнат тартиби қоидаларига дахлдор бўлгани учун белгиланган тартибда шу қоидаларга, иккинчи ҳолатда эса меҳнат шартномасига тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим.

Меҳнат шартномасига ўзгартиришлар фақат ходимнинг розилиги билан киритилиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам иш вақти режими ўзгариши, яъни айрим ходимларни ёки бўлинмаларнинг ходимларини меҳнат шартномасига ўтказиш Меҳнат кодексининг 96-моддаси еттинчи қисмига биноан иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади, буйруқда режимнинг аниқ параметрлари ҳамда амал қилиш мuddати кўрсатилган бўлади. Бундай буйруқни чиқаришга биринчи ҳолатда ички меҳнат тартиби қоидаларига киритилган ўзгартиришлар, иккинчи ҳолатда эса меҳнат шартномасига киритилган ўзгартиришлар асос бўлади.

САВОЛ: Иш вақтидан ташқари ишлар учун ҳақ қандай тўланади?

ЖАВОБ: Меҳнат кодексининг 157-моддаси биринчи қисмига биноан иш вақтидан ташқари ишлар учун камида икки ҳисса миқдорда, борди-ю ходимнинг илтимосига кўра бошқа дам олиш кунини берилган компенсация қилинадиган бўлса, камида бир ҳисса миқдорда ҳақ тўланади.

Алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман, Кодекс ҳақ тўлашнинг фақат энг кам миқдорини белгилайди. Ташкилотда локал тартибда ёки тарафлар

Пандемия ва карантин сабаб...

ходимлар ва иш берувчилар томонидан энг кўп берилаётган саволларга жавоблар

САВОЛ: Коронавирус пандемияси даврида меҳнат шарт-шароитлари ўзгариб боради. Масалан, меҳнат шарт-шароитлари ҳам ўзгариши мумкинми. Меҳнат шарт-шароитлари қандай бўлади, унда аниқ иш вақти белгиланадими?

ЖАВОБ: Меҳнат шарт-шароитлари қандай бўлади, унда аниқ иш вақти белгиланадими? Меҳнат шарт-шароитлари қандай бўлади, унда аниқ иш вақти белгиланадими? Меҳнат шарт-шароитлари қандай бўлади, унда аниқ иш вақти белгиланадими?

120-моддасига биноан, ички меҳнат тартиби қоидалари, бошқа локал норматив ҳужжатлар билан ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси асосида жорий этилади.

САВОЛ: Мен 2 йилдан бери боғчада ёрдамчи тарбиячи бўлиб ишлайман. Бир ойдан сўнг туғуруқ таътилига чиқаман. Карантин даврида қайнонам билан ипак курти олиб боқдик, буни қайнонам менинг номимга расмийлаштириб олдилар. Энди бу ҳақда МТТ мудирасига айтсам, ипак курти шартномасини номингдан ўчиртир, акс ҳолда декрет пули ипак курти пули ҳисобидан чиқади деяпти, шу тўғрими?

ЖАВОБ: Агар Сиз ипак курти боқиш учун Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари билан шартнома тузган бўлсангиз, демак, ўриндошлик асосида ишлаётган ҳисобланасиз (бу тўғрисида қонунчиликда талаб қилинадиган даражада меҳнат шартномаси расмийлаштирилган бўлган ҳам).

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган «Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касба ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга биноан, ходим ўзининг асосий ишини бажаришдан ташқари

бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажариши ўриндошлик дейилади.

Шу Низомнинг 18- ва 19-бандларида ўриндошлар ўриндошлик асосидаги иш жойи бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси олиш, аёллар эса, бундан ташқари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари олиш ҳуқуқига эгалари, бунинг учун соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан берилган меҳнатга лаёқатсизлик нафақасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси асос ҳисобланиши қайд этилган.

Шундан хулоса қилинадиган бўлса, сизга айтилган гап қонунчиликка тўғри эмас. Агар сиз туғуруқ таътили бошланганда ўриндошлик бўйича ишлаб

САВОЛ: Мен ишлаётган ташкилотда иш берувчи бизни ишдан ташқари ишларга жалб этапти. Шу тўғрими?

ЖАВОБ: Агар сизнинг розилигингиз бўлмаса, нотўғри. Шу билан бирга, сиз қаерда, қандай меҳнат шароитида ишлаётганингиз ҳам муҳим ўрин тутаети.

Меҳнат кодексининг 124-моддаси иккинчи қисмига биноан, иш вақтидан ташқари ишлар ходимнинг розилиги билан қўлланиши мумкин. Иш берувчи ходимнинг розилигисиз иш вақтидан ташқари ишларга жалб этиши мумкин бўлган бироқ бир алоҳида ҳол ёки ҳолат ташкилотнинг жамоа шартномасида назарда тутилган мумкин эмас.

Масалан, ходим иш кунини давомидида шу ишни якунлаб улгурмади, ишини тўхта-тиб қўйиши эса зарарли ва хавфли оқибат-

ларга олиб келиши мумкин бўлганда нима қилиш керак, деган савол туғилади. Вазиятдан чиқиш учун ходимни ишдан олиб қолишнинг қандайдир йўллари кидириб топиш шарт эмас, чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун бунга йўл бермайди. Шунинг учун ишни ташкил этишда ходим вазифаларини пухта аниқлаштириб олиш ҳамда унга иш вақтида бу вазифаларни бажариши имконини берадиган режимни жорий этиш зарур.

Юқорида қайд этган ҳолат ишлаб чиқариш ёки бошқа ҳолатга кўра тўхтатишга йўл қўйилмайдиган ишни албатта охирига етказиш назарда тутилган мажбурий меҳнат шартномасида кўрсатилган бўлиши шарт. Бу тарздаги мажбуриятни бажариш ходимдан иш кунининг ташкилотда белгиланган нормал мuddатидан ҳам ортиқроқ иш вақтидан фойдаланиши тақозо этиши эҳтимолини инобатга олиб, бундай ходимлар учун жам-

лаб ҳисобга олинмайдиган меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажариши ўриндошлик дейилади.

Шу Низомнинг 18- ва 19-бандларида ўриндошлар ўриндошлик асосидаги иш жойи бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси олиш, аёллар эса, бундан ташқари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари олиш ҳуқуқига эгалари, бунинг учун соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан берилган меҳнатга лаёқатсизлик нафақасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси асос ҳисобланиши қайд этилган.

Шундан хулоса қилинадиган бўлса, сизга айтилган гап қонунчиликка тўғри эмас. Агар сиз туғуруқ таътили бошланганда ўриндошлик бўйича ишлаб

бундай ишлар тиббий тавсияларда таъқиқланган бўлса (МК, 220-модда бешинчи қисм);

иш сменасининг мuddати ўн икки соат қилиб белгиланган ходимлар (МК, 124-модда учинчи қисм);

меҳнат шароити ўта оғир ва ўта зарарли ишларни бажарувчи ходимлар (МК, 124-модда учинчи қисм);

иш вақтидан ташқари бажарилган ишларнинг мuddати қонунда белгилаб қўйилган чегарадан ортиқча бўлган барча ходимлар (МК, 125-модда) иш вақтидан ташқари ишларга жалб этилмайди.

Саволларга Ўзбекистон қасба уюшмалари Федерацияси Меҳнатни муҳофаза қилиш ва Юридик бўлими мудири Нузира КАРИМОВА, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ жавоб бериб

